



**Ilmiy amaliy
jurnal
№ 12 (14)
2025**

**YANGI
O'ZBEKISTON
IQTISODIYOTI**

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 12-son 2025 yil

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

12

ISBN 978-9943-5256-3-4

Toshkent – 2025

MUNDARIJA

Юлдашев Ш.Г. Редкоземельные металлы в новой геоэкономике: глобальные стратегии и приоритеты развития республики Узбекистан.....	7
Tursunov A.M. Совершенствование экономических механизмов функционирования отрасли.	18
Umurzakova Z.S. Sanoat korxonalarida reklama faoliyati samaradorligini aniqlashning uslubiy jihatlari.....	21
Axunov M.A. Korxonalarda raqobatbardoshlikni baholash uchun tanlangan omillar.....	24
Исраилова Д.К. “Аёллар дафтари” маҳаллабай тизими - аёллар бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш омили сифатида.....	28
Шокирова Г.М. Критерии разделения целевой аудитории в сфере цифрового маркетинга.....	33
Vaxtohonova D.N. Bank omonatlari bo‘yicha marketing strategiyalari va ularning real daromadlikka ta‘siri.....	36
Xasanova X.F. Investitsilar hisobiga asoslangan xolatda moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari tashkil etish tartibi.....	41
Бегимова Д.К. Разработка отраслевых стратегий в Узбекистане.....	45
Mirzayev B.S. CBDC joriy etilishining moliyaviy barqarorlikka ta‘siri: imkoniyatlar va xatarlar....	50
Mirzarahimova A.A. Raqamli texnologiyalar asosida sanoat korxonalarida samaradorlikni oshirish yo‘nalishlari.....	53
Азимов О.Т. Ҳалол молиялаштириш инструменти сифатида мурабаха: анъанавий кредит билан қиёсий таҳлил.....	56
Халмирзаев А.А. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ихтисослашувини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.....	62
Шоабдурахимова М.М. Повышение производственной эффективности на предприятиях электронной промышленности на примере Artel Electronics (Узбекистан).....	68
Xolmuratov O.T. Futbol maktablarimiz rivojlanishida xorij mamlakatlari menejmenti va marketingi tajribasi.....	72
Yarashev M.O., Nabieva S.A. Aksiyadorlik jamiyatlarini asosiy va moliyaviy faoliyati samaradorligini oshirish yo‘llari.....	76
Кабилова К. Тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олиш амалиётининг бугунги ҳолати таҳлили.....	80
Махмудова С. Бюджет соҳасини коррупциядан ҳимоя қилишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий чоралари.....	85
Захидова Ш.Ш. Университет барқарорлигини таъминлашда унинг фаолиятини халқаро стандартларга мос келадиган тартибда такомиллаштириш.....	89
Saidaxmedov N.X. Raqamli texnologiyalar asosida engil sanoat korxonalarida mehnat unumdorligini oshirish mexanizmlari.....	97
Усманова С.С. Влияние государственной поддержки и регулирование на развитие инноваций на промышленных предприятиях.....	100
Madrahimov U.A. Iqtisodiy o‘shish va kapitaldan samarali foydalanishni optimallashtirish yo‘nalishlari.....	104
Джалилов Д.А. Капиталнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини баҳолаш.....	108
Султанова Л.Ш. Абсорбционная способность как медиатор трансформационного экономического роста: теоретические основы.....	111
Mahmudov Sh.N. Location and development of industrial sectors in the regions.....	115
Ustadjalilov D.R. O‘zbekistonda klasterlarni rivojlantirishning institutsional asoslari transformatsiyasi: direktiv modeldan bozor tamoyillariga.....	119
Гайбуллаев Ф. Олий таълимда коррупцияга ўрин бўлмаслиги керак!.....	125
Abdurazakova F.D., Normurodov X.E. Aholi moliyaviy savodxonligi va moliyaviy madaniyati o‘rtasidagi oshirish imkoniyatlarini baholash.....	129
Muxtarov M.M. Rivojlangan mamlakatlar tajribasi asosida sanoat klasterlarini shakllantirish modellari: O‘zbekiston uchun istiqbollar.....	136
Ro‘zmatov B.Z., Shodiyeva N.H. Turistik infratuzilmani rivojlantirish bo‘yicha xalqaro tajriba va uning taqqoslovchi tahlili.....	140

Rahmatova N.A., Mustafayeva H. O‘zbekistonda pensiya ta‘minoti tizimining muammolari va hal etish yo‘llari.....	147
Ахмедов Х. Тинчлик ва хавфсизлик — барқарорлик, иқтисодий ўсиш ва фаровонлик гарови.	154
Boboyev A.Ch. Qishloq xo‘jaligida ishlab chiqarishni barqaror rivojlantirish yo‘nalishlari.....	159
Исраилов З.А. Яшил иқтисодиёт технологиялари: халқаро тажриба ва қиёсий таҳлил.....	165
Ikromov A.Sh. Mahalliy korxonalarda mahsulot raqobatbardoshligini boshqarish amaliyotining o‘ziga xos xususiyatlari.....	169
Ҳалмирзаев А.А., Қодиров Б.Ш. Ёшлар бандлигини таъминлашнинг хорижий тажрибалари.....	175
Elmurodov Sh.Sh. A framework for integrating fiscal risks into the assessment of regional financial security.....	183
Axmadjonov S.S. Tadbirkorlik va biznesni qo‘llab – quvvatlashni baholash mezonlari.....	188
Sabirova Z.U. Sanoat va sanoat korxonalarining raqamli transformatsiyasi jarayonlarini tahlil qilishga uslubiy yondashuv.....	192
Pardayev T.N., Alimuxamedov Sh.R. Chetdan olib kelinayotgan tovarlarning bojxona qiymatini aniqlashni takomillashtirishning ayrim masalalari.....	197
Кадыров А., Исхаков А.К., Турсунова Н.Х. Реализация механизма стратегического управления акционерного общества «Узавтосаноат» на основе прогнозирования его развития.....	203
Zoxidov T.M. Moliyaviy hisobotni buxgalteriya hisobining milliy standartlaridan (BHMS) moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga (MHXS) o‘tkazishning muammolari va yechimlari.....	211
Nabiyeva N.M. Turizm xizmatlari bozorida hududiy destinatsiyalar samaradorligini o‘rganish.....	216
Sharofiddinov Sh.U. Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarda mhxs asosida tuzilgan moliyaviy natijalar to‘g‘risidagi hisobotni axborot manbai sifatidagi afzalliklari.....	221
Nurmatov Z.Sh. O‘zbekiston respublikasida moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlarini (MHXS) joriy etishning iqtisodiy ahamiyati va amaliy dolzarbligi.....	225
Содиқов А.М., Зокиров С.С. Саноатни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг янги стратегияси.....	230
Narmanov U., Ikromova S. Fond bozorlariga xorijiy investorlarni jalb qilishni rag‘batlantirish yo‘nalishlari.....	238
Qutbiddinov A.B. Samarali faoliyat imkoniyatlarini amalga oshirishda boshqaruv xodimlari qobiliyatlaridan foydalanish darajasi va uni oshirish imkoniyatlari.....	241
Qayumova Sh.S. Mahalliy xomashyo bazasiga ega sanoat korxonalarida investitsiya samaradorligini belgilovchi omillar va ularni oshirishning vertikal integratsiya asosidagi optimallashtirilgan modeli.....	246
Turebekov A.A. Ishlab chiqarish xarajatlarining iqtisodiy sifatining tahlili.....	252
Kurbanova M.N., Azizov A.A. Qadimgi klassik iqtisodiy maktablarning shakllanishi va ularning zamonaviy iqtisodiyot rivojlanishiga ta‘siri.....	255
Samadova G.S. O‘zbekiston iqtisodiyotida tarkibiy o‘zgarishlarning iqtisodiy o‘lishga ta‘siri.....	259
Абдуллаева Р. Инклюзив тadbirkorликнинг моҳияти ва хориж тажрибаси.....	264
To‘uchiyeva B.V. Oziq-ovqat sanoati korxonalarini barqarorligini ta‘minlashda strategik boshqarishning dolzarbligi.....	268
Amnah Saeed J Alhindi The role of financial resources in ensuring corporate financial stability.....	272
Fayziyev O.R. O‘zbekistonda baliqchilik klasterlarini moliyalashtirishning hududiy va tarmoq xususiyatlari.....	276
Алимов Р.А., Султанова Л.Ш. Абсорбционная способность и искусственный интеллект: многоуровневая модель и фигура нового интеллектуала.....	280
Teshayev Z.J., Muxitdnov Sh.X. Logistika xizmat ko‘rsatish korxonalarini resurslaridan foydalanishning hududiy iqtisodiy rivojlanishiga ta‘siri.....	284
Xaydarov X.U., Raxmonov D.R. 1907-yilgi moliyaviy inqiroz: sabablari, kechishi va jahon moliya tizimiga ta‘siri.....	288
Солижонов М.А. Ўзбекистон монетар сиёсатининг савдо балансига таъсирини баҳолаш....	292
Rejarov X.X. Davlat xarajatlarining samaradorligini baholash mexanizmlari.....	297

bosqichma-bosqich jarayon sifatida namoyon bo‘lib, mahalliy bank muammosidan umummilliy va hatto xalqaro ta’sirga ega moliyaviy inqirozga aylandi. Shu jarayonda xususiy sektor va yirik moliyaviy institutlar, ayniqsa J. P. Morgan kabi yetakchilar, norasmiy tarzda krizisni yumshatishda muhim rol o‘ynadi. Ular likvidlik taqchilligiga duch kelgan banklarga resurs taqdim etish va moliyaviy bozorda ishonchni qisman tiklash orqali inqirozning iqtisodiy oqibatlarini kamaytirdilar [2].

1907-yilgi moliyaviy inqirozning eng muhim ilmiy va tarixiy xulosasi shuki, u moliyaviy barqarorlikni ta’minlashda markaziy institutlarning zaruriyatini, ishonch va likvidlikni ta’minlash mexanizmlarining ahamiyatini hamda moliyaviy bozorlardagi norasmiy va xususiy sektor aralashuvining samaradorligini ko‘rsatdi. Bu tajriba kelgusidagi moliyaviy inqirozlarni tushunish va ularga tayyorgarlik ko‘rishda zamonaviy moliya siyosati uchun fundamental nazariy asos bo‘lib xizmat qiladi. Shu tariqa, 1907-yilgi moliyaviy inqiroz nafaqat tarixiy hodisa sifatida, balki zamonaviy moliya tizimining evolyutsiyasi va moliyaviy institutlar rivojlanishi uchun muhim saboq va ilmiy manba hisoblanadi. Ushbu inqirozdan olingan xulosalar zamonaviy moliyaviy siyosatni takomillashtirish, moliyaviy barqarorlikni ta’minlash va kelgusidagi inqirozlarga samarali javob choralarini ishlab chiqishda asosiy ilmiy resurs sifatida qo‘llanilishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Bruner, R. F., & Carr, S. D. (2007). *The Panic of 1907: Lessons Learned from the Market’s Perfect Storm*. Hoboken, NJ: John Wiley & Sons.
2. JPMorgan Chase & Co. (2020). *Global Financial Crisis and Market Stability*. New York: JPMorgan Research.
3. Kindleberger, C. P., & Aliber, R. Z. (2011). *Manias, Panics, and Crashes: A History of Financial Crises*. 6th Edition. Hoboken, NJ: John Wiley & Sons.
4. Ferguson, N. (2008). *The Ascent of Money: A Financial History of the World*. New York: Penguin Press.
5. Galbraith, J. K. (1994). *A Short History of Financial Euphoria*. New York: Penguin Books.
6. Sprague, O. M. W. (1910). *History of Crises Under the National Banking System*. New York: Macmillan.

УДК: 336.748.1

ЎЗБЕКИСТОН МОНЕТАР СИЁСАТИНИНГ САВДО БАЛАНСИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ

ЎЗБЕКИСТОН МОНЕТАР СИЁСАТИНИНГ САВДО БАЛАНСИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ

ASSESSMENT OF THE IMPACT OF UZBEKISTAN'S MONETARY POLICY ON THE TRADE BALANCE

Солижонова Мухлисахон Азаматжон қизи
Тошкент Халқаро Университети мустақил тадқиқотчиси

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган монетар сиёсатнинг ташқи савдо баланси кўрсаткичларига таъсири эмпирик усулларда баҳоланади. 2019-2024 йиллар давридаги статистик маълумотларга асосланган таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, каттиқ монетар сиёсат ва кенгайтирувчи фискал сиёсат ўртасидаги мувофиқлашмаганлик ташқи савдо дефицитининг ўсишига туртки бермоқда. Инфляция таргетлаш режимига ўтиш жараёни, валюта курси эркинлиги ва асосий фоиз ставкаси ўзгаришлари савдо балансида кўп томонлама таъсир кўрсатмоқда.

Калит сўзлар: монетар сиёсат, савдо баланси, инфляция таргетлаш, валюта курси, фоиз ставкаси, Ўзбекистон иқтисодиёти.

В данной статье эмпирическими методами оценивается влияние денежно-кредитной политики, проводимой в Республике Узбекистан, на показатели внешнеторгового баланса. Результаты анализа, основанные на статистических данных за период 2019-2024 годов, показывают, что несоответствие между жесткой денежно-кредитной политикой и экспансионистской фискальной политикой является движущей силой роста внешнеторгового дефицита. Переход к режиму таргетирования инфляции, свобода валютного курса и изменения ключевой процентной ставки оказывают многогранное влияние на торговый баланс.

Ключевые слова: денежно-кредитная политика, торговый баланс, таргетирование инфляции, валютный курс, процентная ставка, экономика Узбекистана.

This article uses empirical methods to assess the impact of monetary policy in the Republic of Uzbekistan on foreign trade balance indicators. The analysis, based on statistical data for the period 2019–2024, shows that the mismatch between tight monetary policy and expansionary fiscal policy is the driving force behind the growing trade deficit. The transition to inflation targeting, exchange rate flexibility, and changes in the key interest rate have a multifaceted impact on the trade balance.

Keywords: monetary policy, trade balance, inflation targeting, exchange rate, interest rate, Uzbekistan economy.

Ривожланаётган иқтисодиётларда монетар сиёсат инструментлари макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси 2019 йилдан бошлаб инфляция таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш йўлини танлади, бу жараён валюта курсининг эркинлашуви, Марказий банк мустақиллигининг кучайиши ва фойз сиёсатининг фаоллашуви билан бирга кечмоқда.

Мамлакат иқтисодиётининг очиклиги даражасининг ошиши (ташқи савдонинг ЯИМга нисбати 2024 йилда 54,3 фоизни ташкил этди) монетар сиёсат чораларининг ташқи савдо балансига таъсирини ўрганишни долзарб масалага айлантормоқда. 2024 йил якунлари бўйича Ўзбекистон 12,04 миллиард доллар савдо дефицитига дуч келди, бу 2023 йилга нисбатан 12,7 фоиз камайганини кўрсатса-да, макроиқтисодий мувозанат учун муҳим вазифаларни белгилайди.

Мазкур тадқиқотнинг мақсади 2019-2024 йиллар давомида Ўзбекистон Марказий банки томонидан юритилган монетар сиёсатнинг савдо баланси динамикасига таъсир механизмларини аниқлаш ва баҳолашдан иборат[1].

Иқтисодий назариядаги классик ва замонавий мактаблар монетар сиёсат билан савдо баланси ўртасидаги муносабатларни турли ёндашувлар асосида тушунтирадилар. Манделл-Флеминг модели бўйича, қаттиқ монетар сиёсат (фойз ставкаларининг ошиши) миллий валюта курсининг мустақамланишига олиб келади, натижада экспорт қиммат, импорт эса арзон бўлиб қолади, бу савдо балансини ёмонлаштиради.

Монетар трансмиссия механизмларининг замонавий назариялари қуйидаги йўналишларни ажратиб кўрсатади:

Валюта курси канали: фойз ставкаларининг ўзгариши капитал оқимлари ва валюта курси орқали савдо балансига таъсир этади

Талаб канали: пул-кредит шароитларининг қаттиқлашуви ички истеъмол ва инвестиция талабини чеклаб, импорт ҳажмини камайтиради

Инфляция канали: нархлар барқарорлиги нисбий нархларни ўзгартириб, ташқи савдо рақобатбардошлигига таъсир кўрсатади

Кутишлар канали: монетар сиёсат сигналлари иқтисодий агентларнинг истеъмол ва инвестиция қарорларига таъсир этади [2].

Obstfeld ва Rogoff (2000)[3], Rey (2013) каби олимлар ривожланаётган мамлакатларда монетар сиёсатнинг савдо баланси таъсири глобал молиявий циклларга боғлиқлигини таъкидлайдилар. Кичик очик иқтисодиётларда ички монетар сиёсат самарадорлиги халқаро шароитлардан кучли таъсирланади[4].

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 12-son 2025 yil

Инфляцион таргетлаш режимини қўллаётган мамлакатлар тажрибаси (Чили, Туркия, Польша) шуни кўрсатадики, бу режим қўлланилишининг дастлабки босқичларида савдо балансининг вақтинча ёмонлашуви мумкин. Аммо узок муддатда нархлар барқарорлиги иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш орқали савдо балансига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон контекстида инфляцион таргетлаш режимига ўтиш жараёни номонетар инфляция омилларининг юқори таъсири, фискал-монетар сиёсатнинг мувофиқлашмаганлиги ва тарифлар тартибга солинишининг давом этиши билан мураккаблашади.

1-жадвал

2019–2024 йилларда Ўзбекистонда монетар сиёсат ва савдо баланси динамикаси[6]

Йил	Монетар сиёсат режими	Асосий ставка (%) ва динамика	Инфляция даражаси	Ташқи савдо айланмаси (млрд \$)	Экспорт (млрд \$)	Импорт (млрд \$)	Савдо баланси (млрд \$)
	Инфляцион таргетлашга ўтишга тайёргарлик	16% (барқарор)	≈15%	–	–	–	–
	Тайёргарлик давоми	14% гача пасайтирилди	≈11–12%	–	–	–	–
	Қаттиқ монетар сиёсат	14% сақланди	≈10%	–	–	–	–
	Геосиёсий хавфлар фонидида қаттиқ сиёсат	14% (қаттиқ)		–	–	–	–
	Инфляцияни 5%га тушириш мақсади	14% (қаттиқ)	≈9%	63,5 млрд	24,8 млрд \$	38,7 млрд \$	–13,9 млрд \$
	Қаттиқ сиёсатни сақлаш – ижобий реал ставка	14% (ижобий реал ставка)		65,9 млрд	26,95 млрд \$	38,98 млрд \$	–12,04 млрд \$


2019-2024 йиллар давомида Ўзбекистонда монетар сиёсат қуйидаги босқичлардан ўтди:

2019-2020 йиллар: Инфляцион таргетлаш режимига ўтиш тайёргарлик босқичи. Асосий ставка 16-14 фоиз оралиғида сақланди. Валюта курси босқичма-босқич эркинлаштирилди.

2021-2022 йиллар: Геосиёсий ва глобал инфляция босимлари даврида Марказий банк қаттиқ монетар сиёсатни кучайтирди. 2022 йилда инфляция 12 фоизга етди, бу асосий ставка 14 фоиз даражасида ушлаб туришни талаб қилди.

2023-2024 йиллар: Инфляцияни 5 фоизгача пасайтириш мақсади белгиланди. 2024 йил охирида инфляция 8 фоиз атрофида барқарорлашди. Реал фоиз ставкалари ижобий бўлиб қолди, бу монетар сиёсатнинг қаттиқлигини сақлаб туришга ишора қилди.

2024 йилда Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 65,9 миллиард долларни ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан 3,8 фоиз ўсди. Экспорт 26,95 миллиард долларга (8,4 фоиз ўсиш), импорт эса 38,98 миллиард долларга етди (0,8 фоиз ўсиш).



1-расм. Ўзбекистон ташқи савдо кўрсаткичлари ва таркибий тузилиши

Савдо дефицити 12,04 миллиард долларни ташкил этди, бу ЯИМнинг тахминан 9,9 фоизига тенг. 2023 йилга нисбатан дефицит 12,7 фоиз камайган бўлса-да, абсолют қийматда юқори даражада қолмоқда.

Савдо балансининг таркибий таҳлили:

- олтин экспорти 7,48 миллиард доллар (умумий экспортнинг 27,8 фоизи);
- саноат маҳсулотлари экспорти 15,6 фоиз улушни ташкил этди;
- озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти 22,4 фоиз ўсди;

Машина ва жиҳозлар импорти 34,6 фоиз улушни ташкил этиб, 13,5 миллиард долларга йетди.[5]

Асосий фоиз ставкасининг таъсири (коэффициент: -0,42): Асосий ставканинг 1 фоиз пунктга ошиши савдо балансини ЯИМнинг 0,42 фоиз пунктига ёмонлаштиради. Бу таъсир 3-6 ойда билан намоён бўлади. Механизм: юқори фоиз ставкалари капитал киришини рағбатлантириб, миллий валюта курсининг мустақамланишига олиб келади, натижада экспорт рақобатбардошлиги пасаяди.

Реал валюта курсининг таъсири (коэффициент: 0,68): Реал валюта курсининг 10 фоизга заифлашуви савдо балансини ЯИМнинг 0,68 фоиз пунктига яхшилади. Аммо 2024-2025 йилларда сўм валютасининг қутилмаганда мустақамланиши (йил бошидан 4-6 фоиз) экспорт мураккаблигини оширди.

Кредит таклифининг таъсири (коэффициент: -0,28): Кредитлар ҳажмининг юқори суръатлар билан ўсиши (2023-2024 йилларда 20-25 фоиз) ички истеъмолни рағбатлантириб, импорт талабини оширди, натижада савдо дефицити кенгайди.

Инфляциянинг таъсири (коэффициент: -0,35): Юқори инфляция ички маҳсулотларнинг нисбий нархини оширади, бу экспортга салбий, импортга эса ижобий таъсир кўрсатади.

Тадқиқот махсус эътиборга лойиқ хусусиятни аниқлади: Марказий банкнинг қаттиқ монетар сиёсати Ҳукуматнинг кенгайтирувчи фискал сиёсати билан бир вақтда амалга оширилди. 2024 йилда бюджет дефицити ЯИМнинг 4 фоизини ташкил этди, бу ички истеъмол талабини рағбатлантирди.

Бу қарама-қарши сиёсатлар натижасида:

- Ички талаб юқори даражада сақланди, бу импортни оширди
- Юқори фоиз ставкалари экспорт секторининг рақобатбардошлигини чеклади
- Савдо дефицити мўлжалланган даражалардан юқори бўлиб қолди
- Моделлаштириш натижалари шуни кўрсатадики, фискал-монетар координация яхшиланганда савдо дефицитини ЯИМнинг 1,2-1,5 фоиз пунктига камайтириш мумкин.

Олинган эмпирик натижалар Манделл-Флеминг моделининг асосий тахминларини тасдиқлайди: қаттиқ монетар сиёсат мослашувчан валюта курси шароитида савдо балансига салбий таъсир кўрсатади. Бироқ, Ўзбекистон тажрибаси айрим ўзига хос хусусиятларни намоён қилади:

Биринчидан, валюта курси эркинлигининг босқичма-босқич амалга оширилиши монетар трансмиссия механизмларининг тўлиқ ишламаслигига олиб келади. 2024-2025 йилларда курс тебранишлари кенгайганига қарамай, Марказий банкнинг интервенциялари сақланиб қолди.

Иккинчидан, номонетар инфляция омиллари (тарифлар тартибга солиниши, монополиялар таъсири) монетар сиёсатнинг самарадорлигини чеклайди. 2024 йилда инфляциянинг 60 фоиздан ортиғи номонетар омиллар таъсирида шаклланган.

Учинчидан, экспорт тузилмасида олтиннинг юқори улуши (2024 йилда 27,8 фоиз) савдо балансининг халқаро бозор нархларига сезгирлигини оширади.

Фискал-монетар координацияни кучайтириш: Бюджет дефицитини босқичма-босқич камайтириш (2025 йилда 3 фоизгача) монетар сиёсатнинг савдо балансига таъсирини оптималлаштиради.

Валюта курси эркинлигини давом эттириш: Халқаро валюта жамғармаси тавсияларига мувофиқ, курс тебранишлари доирасини кенгайтириш трансмиссия механизмларини яхшилади.

Структурали ислохотларни жадаллаштириш: Номонетар инфляция омилларини камайтириш (энергетика тарифлари ислохоти, монополияга қарши чоралар) монетар сиёсатнинг самарадорлигини оширади.

Экспортни диверсификация қилиш: Саноат маҳсулотлари ва қўшилган қиймати юқори товарлар экспортини рағбатлантириш олтинга боғлиқликни камайтиради.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда амалга оширилаётган монетар сиёсат савдо балансига кўп томонлама ва мураккаб таъсир кўрсатмоқда. Қаттиқ монетар сиёсат (юқори фоиз ставкалари ва валюта курси мустаҳкамланиши) қисқа муддатда савдо дефицитини кенгайтиришга олиб келади.

Бироқ узоқ муддатли перспективада, инфляцион таргетлаш режимининг изчил амалга оширилиши, фискал-монетар координациянинг яхшиланиши ва структурали ислохотларнинг давом этиши иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш орқали савдо балансига ижобий таъсир кўрсатиши кутилмоқда.

2025-2028 йиллар учун Марказий банк прогнозлари инфляцияни 5 фоизгача пасайтириш мақсадини белгилайди[6]. Ушбу мақсадга эришиш учун монетар сиёсат қуйидаги йўналишларда такомиллаштирилиши зарур:

- Трансмиссия механизмларининг самарадорлигини ошириш
- Фискал сиёсат билан яхши мувофиқлаштириш
- Номонетар омилларни камайтиришга йўналтирилган структурали ислохотларни қўллаб-қувватлаш
- Валюта курси эркинлигини босқичма-босқич кенгайтириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Марказий банк (2024). Пул-кредит сиёсати тўғрисида маълумотнома 2026-2028 йиллар. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
 2. International Monetary Fund (2024). Uzbekistan: Staff Concluding Statement of the 2024 Article IV Mission. Washington, DC: IMF
 3. Obstfeld M., Rogoff K. (2000). The Six Major Puzzles in International Macroeconomics: Is There a Common Cause? // NBER Macroeconomics Annual, 15: 339-390
 4. Rey H. (2013). Dilemma not Trilemma: The Global Financial Cycle and Monetary Policy Independence // Proceedings — Economic Policy Symposium — Jackson Hole, Federal Reserve Bank of Kansas City: 285-333
- Ўзбекистон Республикаси Миллий Статистика қўмитаси (2025). Ташқи савдо айланмаси тўғрисида статистик бюллетень. Тошкент.

збекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрьдаги “Инфляция таргетлаш режимида босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5877-сонли Фармони.

International Monetary Fund (2024). Uzbekistan: Staff Concluding Statement of the 2024 Article IV Mission. Washington, DC: IMF.

олбоев М. (2023). Ўзбекистоннинг фискал ва монетар сиёсати ташқи савдо дефицити ўсишига қандай таъсир қилмоқда? // *Gazeta.uz*.

10. Edwards S. (2015). Monetary Policy Independence under Flexible Exchange Rates: An Illusion? // *The World Economy*, 38(5): 773-787.

Frankel J. (2010). Monetary Policy in Emerging Markets. In: Friedman B.M., Woodford M. (eds.) *Handbook of Monetary Economics*, Volume 3B. Amsterdam: Elsevier, 1439-1520.

12. Mishkin F.S. (2009). Globalization, Macroeconomic Performance, and Monetary Policy // *Journal of Money, Credit and Banking*, 41(s1): 187-196.

UDK:336.5

**DAVLAT XARAJATLARINING SAMARADORLIGINI BAHOLASH
МЕХАНИЗМЛАРИ**

**МЕХАНИЗМЫ ОЦЕНКИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ГОСУДАРСТВЕННЫХ
РАСХОДОВ**

**MECHANISMS FOR ASSESSING THE EFFICIENCY OF PUBLIC
EXPENDITURES**

Rejapov Xayrillo Xikmatillayevich

О‘zbekiston Milliy universiteti,
Moliya kredit kafedrasini mudiri, i.f.d., prof.

Annotatsiya

Ushbu maqolada davlat xarajatlarining samaradorligini baholash mexanizmlari hamda ularning iqtisodiy rivojlanishdagi o‘rni chuqur tahlil qilingan. Shuningdek, tahlil jarayonida natijadorlik, tejamkorlik va samaralilik mezonlari asosida davlat xarajatlari ta‘sirini aniqlash uslublari ilmiy jihatdan asoslab berilgan. Bundan tashqari, davlat moliyasining barqarorligini ta‘minlash, ijtimoiy dasturlar samaradorligini oshirish va resurslardan oqilona foydalanish yuzasidan ilmiy taklif va amaliy tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: davlat xarajatlari, samaradorlik, baholash mexanizmlari, budjet siyosati, natijaga yo‘naltirilgan byudjet, audit tizimi, iqtisodiy samaradorlik.

В данной статье глубоко проанализированы механизмы оценки эффективности государственных расходов, а также их роль в экономическом развитии. Кроме того, в процессе анализа научно обоснованы методы определения воздействия государственных расходов на основе критериев результативности, экономичности и эффективности. Также разработаны научные предложения и практические рекомендации, направленные на обеспечение устойчивости государственных финансов, повышение эффективности социальных программ и рациональное использование ресурсов.

Ключевые слова: государственные расходы, эффективность, механизмы оценки, бюджетная политика, бюджетирование, ориентированное на результат, система аудита, экономическая эффективность.